

ЎЗБЕК ВА ФРАНЦУЗ ТИЛЛАРИДА ХИАЗМНИНГ СТИЛИСТИК
ФУНКЦИЯЛАРИ

Бекмуродова Зебинисо Эркиновна

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат
ўзбек тили ва адабиёти университети таянч докторанти
<https://doi.org/10.5281/zenodo.10099449>

Хиазм барча тилларга хос бўлган универсал лингвистик ходиса бўлиб, у 19-асрдан бошлаб лингвистик термин сифатида ўзбек ва француз тилшунослигида қўлланила бошлаган. Мазмуни жиҳатдан фарқли бўлган икки жумла шундай кетма-кетликда қўйиладики, биринчисига қарама-қарши бўлган иккинчи жумла биринчисидан келиб чиқади, масалан: *яшаш учун ейиш керак, ейиш учун яшаш эмас*".

Бундай алмашиш антик дунё олимлари томонидан антиметабола ёки коммутация деб номланган. Хиазм максимал стилистик эркинликка эга. Уни барча стилистика оттенкалари мавжуд нутқ шаклларида учратиш мумкин. Ушбу чегарада унга жанр, композицион ва тематик зиддиятлар мутлақо бегона.

Адабиётшунослар композициядаги хиазм асосини баъзи кенг қўламли эпик асарларда қўллайдилар. Масалан, Т. Е. Автухович хиастик схемани Ф. Сологубнинг "Кичик жин" [Автухович 2003] романида учратилган.

Лекин бадиий нутқда хиазмнинг яққол тимсолини, яъни стилистик таъсири худди шу формула асосида қурилган матндан қидирадиган бўлсак, уларни кичик шеърий матнлардан қидиришимиз мақсадга мувофиқдир.

Икки мисрали хиазмнинг мисоли сифатида Эрве Базеннинг "Corollairement" шеърини келтирамиз:

Le bien d'autrui se supporte mal,

Le mal d'autrui se supporte bien...

Ўзгалар муваффақияти қийинчилик билан ўтказилади,

Ўзгалар қийинчилиги муваффақият билан ўтказилади.

Баъзиларда жуда чуқур, баъзиларда эса унчалик бўлмаган инсон табиатига хос бўлган армон туйғуси мавжуд, ваҳоланки фалсафий максимал кўринишида ифодаланган бу конверсияли идеал хиазмда хиазм тузилишига алоқаси бўлмаган бир дона ҳам ортиқча сўз йўқ.

Топинг қани Қўқонидан суратини,

Ўзбек қувди, уйғур кўмди Фурқатини.

Фурқат уйғур деганим йўқ, берайин шарҳ





Ўз боласини ўзи кўмсин дейман бир халқ . (Муҳаммад Юсуф. 202 б.)

Худди шундай фалсафий асос ва енгил ҳазили бор идеал хиазм Эркин Воҳидов “Барг” номли миниатюр шеърида кузатилади:

Икки **қошинг** ўсма бирлан

Бўлди жуфт наргисли **барг**,

Икки **баргинг қошида** мен

Титрагайман мисли барг. (Э.Воҳидов. “Барг” 23-б.)

Шоир Э.Воҳидовнинг “Ёш шоирларга” шеърида ҳазиломуз шундай хиастик жумлаларни учратамиз:

Ул **Катта шоирларга қилмангиз ҳавас**,

Сизга **ҳавас қилсин катта шоирлар**.

Чунки шеър бахтига устозлар эмас,

Муяссар бўлди кўпроқ шогирдлар. (Э.Воҳидов. Ёш шоирларга)

Чўлпоннинг “Галдир” шеърида хиазм янада эркинроқ ва образ шаклда бошқа фалсафий умумлаштиришни, яъни толерантликнинг заруриятини ифодалайди:

Мен дутор **бирлан туғишган**, кўҳна бир

девонаман,

Ул **туғишгоним билан** бир ўтда доим

ёнаман. (Чўлпон. “Галдир” 518 б.)

Кейинги шеърий мисраларда “меҳнат ва фан” тушунчалари бир-биридан ажралмас фалсафий тушунчалар эканлигини хиазматик матн билан ифодалайди:

Фан билан **меҳнат** икковлон қўл беришган, иттифоқ,

Эркин-эркин яйрашиб ижод этар **меҳнат** ва **фан** ! (Чўлпон, 550 б.)

Келтирилган шеърий матнларда "хиазм=матн" схемаси ишлатилган бўлиб, бу ерда хиазматик конструкцияларни изоҳлашга ҳожат ҳам йўқ.

Хиазм лирик тоналликда ҳам зўр жаранглайди. Бу ҳақида Мария Французскаянинг (XII.аср) моҳирона ва содда хиазм конструкцияси ёки Жак Превернинг танлаб, мураккаб овозли намунаси ва кутилмаган ўйин аасосида қурилган хиазмини мисол қилиш мумкин:

Mais si l'on veut les séparer

Le coudrier meurt promptement,

Le chèvrefeuille mêmement.

Belle amie, ainsi est de nous :

Ni vous sans moi ni moi sans vous.

C'est comme cela que je te vois





Pays *fou* des arbres *sages*

Pays *sage* d'herbes *folles*

Paysage, paysage.

Аҳмад Яссавий ҳазратларининг қуйидаги шеърларида контекст билан бўлинган хиазм лирик қаҳрамоннинг қайғусини ҳис қилишда муҳим солиштириш бўлиб киради:

Ошиқларга дунёда хорлик, зорлик, **маломат**,

Маломатсиз меҳнатсиз **ошиқ** ман деб айтмасин. (А.Яссавий. 227 б.)

Ёш шоир Шафоат Термизийнинг шеърида ҳазиломуз, аммо чуқур фалсафий фикрлар қуйидаги хиазматик конструкциялар билан берилган:

Пашшалар қора фикрлар каби, менга тинчлик бермайди:

Чақади, ғинғиллайди, фақир бошим устида ҳеч тинмайди!

Қора фикрлар пашшалардек, тун бўйи менга тинчлик бермайди:

Чақади, эзади, фақир бошим устида айланиб, ҳеч тинмайди!

(Шафоат Термизий. 86 б.)

Хиазматик конструкциядан иборат бўлган З.М.Бобурнинг лирик миниатюраси энг самимий ҳисларни - паришонхотирлик ва севги ёки дўстликдаги умидсизликдан келиб чиққан азобларни яхши ифодалайди:

Ул пари **ишқ**ида Бобир жон бериб, эй **аҳли ишқ**,

Ишқ атворини **ишқ аҳлиға** мушкул қилгудек.

Олғали жонимни ҳижронға ҳавола қилди ёр,

Қўйма ҳижронға , ажал, жонимни ол, Тенгри учун. (Бобир. 371 б.)

Шеър архитектоникаси шаффоф: бир хиазм унинг асосини ташкил қилади, бошқаси - чегараларини. Оддийгина тажриба ўтказса бўлади, яъни шеърни 2 хиазмли қиладиган иккинчи қисмини олиб ташлаш. Барча сўзлар айтилган бўлса ҳам, шеърини маъно берадиган тушунарсииз оғриқ, паришонхотирлик, қалб нотинчлиги каби ҳислар кетганлиги кузатилади.

Ўзбек классик адабиёти намоёндалари А.Навоий, Юсуф Хос Ҳожиб, Заҳириддин Муҳаммад Бобир каби буюк сўз усталари ўз ижодида ўта нуктадонлик ва нафис дидлилик билан ажойиб хиазматик конструкцияларо яратганлар. Улар яратган хиазматик қурилмалар одатдаги хиазмларга нисбатан структураси жиҳатдан мураккаброқ туюлади, аммо ўқувчи учун тушунарли бирикмалардир, масалан:

Жондин сени кўп севармен, эй умри азиз,

Сондин сени кўп севармен, эй умри азиз.

Ҳар неники **севмак Ондин** ортуқ бўлмас,

Ондин сени кўп севармен, эй умри азиз. (А.Навоий 75 б.)





Шундай мураккаб таркибли хиазматик жумлани А.Навоийнинг қуйидаги мисраларида кузатамиз:

Ҳам **жисмингга** заъф бўлса, **жоним** садқа,

Ҳам **жонингга жисми** нотавоним садқа.

Сарвингга шикаст ўлса, **равоним** садқа,

Йўқ-йўқки, **санга жон-у жаҳоним садқа.** (А.Навоий. 75 б.)

Ёки бўлмаса қуйидаги мисолга ҳам бир эътибор қаратайлик:

Мунглуғ **бошим** остидоғи **тошимниму** дей ?

Тош устидаги ғариб **бошимниму** дей ?

Ҳасрат суйидин **кўзимда ёшимниму** дей ?

Ўлмақдин **саъброқ маошимниму** дей ? (А.Навоий. 77 б.)

Юсуф Хос Ҳожибнинг қуйидаги мисраларида ҳам шундай хиазматик қурилмаларни кузатамиз, масалан:

Мавжудлардан эмас бир **вужудлигинг**,

Вужудлар бор, сабаб Сен **мавжудлигинг.** (Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. 16 б.)

Ҳукмдор бошида **халқнинг** ҳаққи бор,

Ҳам **халқ** узра ҳақли эрур **ҳукмдор.** (Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. 16 б.)

(Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. 12 б.)

Қуйидаги мисрада хиазматик қурилманинг икки қисми ҳам жарангдорликни ошириш учун уч босқичли чегара ҳосил қилади.

Оқ эди - қизил бўлди,

Қон қизартирди.

Қизил эди - оқ бўлди.

Ўлим **оқартирди.** (Тўлқин Эшбек. 46 б.)

Ушбу хиазм қийин лингвистик таркибга эга: "оқ" ва "қизил" трансформада такрорланиб, бошқа гап бўлагига ўтиб кетади ($N \sim Adj$, $Adj \sim N$) ва ўз маъноларини ўзгартиради: сиёсий мутаносиблик ~ тана ранги.

Айтиб ўтиш лозимки, З.Бобур кўпинча мураккаблаштирилган ноёб моделларни қўллаб, хиазмга стилистик усулдек ёндашади, масалан:

Гарчи ошиқ лозими **оламда расволиқ** турур,

Ишқ аро Бобур киби **расвои олам** бўлмасин.

Ёрдин озор кўнглум ичра беҳад бордур,

Эй хуш **кўнгил, анга не ёру не озордир.** (З.М.Бобир. 314 б.)

Аҳмад Яссавийнинг бир қанча шеърларида хиазм эпатаж ва узоқлашиш воситаси бўлади:



Шариатда тажриДДур дунёсини тарк этмак,

Тарк этмайин дунёни Ҳақни суйдим демасин. (А.Яссавий. 227 б.)

Жон жононаға **қовшурғон**, қизин **қўлдин** топширғон,

Қўл қовшуруб ёлборғон Або Бакри Сиддиқдур. (А.Яссавий. 212 б.)

Хиазм шок самарасининг яратилишида ҳам бу нозик шакл ўта меъёрий бўлмаган лексик тўлдириш билан тўқнашганида иштирок эта олади. Бундай ҳолатни биз Ўткир Ҳошимовнинг матн қисмини ташкил этувчи афоризмида кўришимиз мумкин:

Ҳолатимиз расво, лекин сен ўзинг **расво бўлсанг - ҳолатни айблама**.
(Ў.Ҳошимов. 72 б.)

Синтаксик тизимнинг латофати контраст бўйлаб вульгаризмнинг кўполлигини кўрсатади.

Бошқа ҳолларда хиастик тузилмани қўллашдан, ҳатто оддий хиастик тузилма бўлса ҳам, уни муаллифлик неологизми ҳолати билан тўлдирса бўлади, буни сўз устаси, таржимон олим Ғайбулла ас-Саломнинг қуйидаги ҳазиломуз сатрларида кузатамиз:

Ит инсоннинг дўсти,

Инсоннинг дўсти ит бўлса-чи ? (Ғ. Ас-Салом. Эй, умри азиз. 72 б.)

Хулоса шуки, хиазм усули нутқнинг энг жарангдор, ҳиссий-экспрессивлиги кучли, тингловчи ёки ўқувчининг нутқ кўринишига диққатини тортадиган, алоҳида бир қизиқиш уйғотадиган стилистик фигура ҳисобланиб, унинг ёрдамида шаклан ва мазмунан қарама-қарши нарса ёки воқеа-ҳодисалар ифода этилади. Шунингдек бу стилистик фигура нафақат замонавий адабиётда балки классик адабиётда ҳам матнлар, комик контекстларда, мақолларда, маталлар, тез айтишлар, эпитафиялар, афоризмлар ва бошқа насрий ва назмий асарлар яратилишида стилистик универсалия сифатида ҳам ўз ўрнини эгаллаган дейишимиз мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзаев И. Проблемы лингвопоэтической интерпретации стихотворного текста: Автореф. дис. д-ра.филол. наук. –Ташкент, 1992. –43 б.;
2. Мамазияев О.Х. Ўзбек поэтик нутқида хиазм ва градация. Филол.
3. фанлари номзоди... дисс. автореф.- Т. 2004.-Б.6
4. Т. Е. Автухович " Кичик жин" 2003-
5. Йўлдошев М. Бадиий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлили асослари.Тошкент:2007,68-бет.
6. Тафаккур дурдоналари. 111 ватандош алломаларимизнинг Ҳикматли фикрлари (Ҳикматли фикрлар). -Т.: «Янги аср авлоди», 2012.-384 б.





7. Чўлпон. Кеча ва кундуз: Роман/[Тўпловчилар: Н. Каримов Ш. Турдиев; Масъул муҳаррир ва сўзбоши муаллифи О. Шарафиддинов; Таҳрир ҳайъати: Э. Воҳидов ва бошк.]. - Т.: Адабиёт ва санъат нашр., 1991-5766
8. Юсуф, Хос Ҳожиб. Кутадғу билиг /. (2-нашр) - Тошкент: Akademnashr, 2016. - 544 б
9. Юсуф. М. Сайланма: шеърлар, дostonлар, хотиралар.- Тошкент: «Sharq», 2017. - 288 б

